

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАЗЗАҚОВ ЖАСУР ХАМРАБОЕВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ СИНДИЦИЯЛАШТИРИЛГАН  
КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по эконо-  
мическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Раззаков Жасур Хамрабоевич**

Инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига  
молиялаштириш механизмини такомиллаштириш.. ..... 3

**Раззаков Жасур Хамрабоевич**

Совершенствование механизма финансирования инвестиционных проектов за  
счёт синдицированных кредитов ..... 29

**Razzakov Jasur Hamrabayevich**

Improvement of the mechanism of financing investment projects at the expense of  
syndicated loans ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 60

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАЗЗАҚОВ ЖАСУР ХАМРАБОЕВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ СИНДИЦИЯЛАШТИРИЛГАН  
КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

Филозоф доктори (Doctor of Philosophy) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасини ҳузуридаги Олий кўлиб-санъат комиссиясида В1018.3.РФД/147719 рақам билан рўйхатга олишгани.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (ресюме)) Илмий кенгаш веб-сайдидан ([www.ifi.uz](http://www.ifi.uz)) ва «Ziyouat» Аxbорот-технология порталидан ([www.ziyouat.uz](http://www.ziyouat.uz)) кўйилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Норбой Ганшевич  
иқтисодий фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Жумаев Нодир Хоситович  
иқтисодий фанлари доктори, профессор

Хайдаров Исламқудди Хамраевич  
иқтисодий фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидagi Россия Иқтисодий университети Тошкент филиали

Диссертация ҳақида Тошкент молна институтини ҳузуридаги ДSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «25» 12 соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Миқдот 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tifi.uz](mailto:ilmiykengash@tifi.uz)

Диссертация бeтан Тошкент молна институтини Аxbорот-ресурс марказида ташқиқи мавзусини (163 рақамли бeтани рўйхатга олишгани). Миқдот 100000, Амир Темур шох кўчаси, 60А-уй. Тел.: (71) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 12 даги 56 рақамли (автор реферат) мажлисида тарқатилди.



Т.Э.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Н.Н.Калиandroва

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодий фанлари бўлими филозоф доктори, PhD

Н.Н.Қўшиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қўшиқчи илмий сeминар раиси, иқтисодий фанлари доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётдаги глобаллашув жараёнлари кучайиши шароитида манфаатлар тўқнашуви ва рақобат тобора авж олиб бораётган даврда халқаро капиталга бўлган талаб янада ошмоқда. Ҳозирги кунда тижорат банклари учун халқаро қарзлар олишнинг энг кенг тарқалган турларидан бири синдициялаштирилган кредитлашдир. Йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитлардан фойдаланиш энг қулай ва ҳар томонлама манфаатли молиялаштириш усули ҳисобланади. “Халқаро банк синдикатлари кредитларининг етакчи банки мамлакатлари ва қарз олувчи ўртасидаги маданий тафовут қанчалик катта бўлса, қарз олувчи учун кредитлаш шартлари шунчалик қулайроқ эканлигини кўриш мумкин бўлади”<sup>1</sup>. “Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида синдициялаштирилган кредитлар ҳажми 2019 йилда 4,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этди ҳамда синдикатлаштирилган кредитлар бўйича битимлар сони 8146 тани ташкил қилди”<sup>2</sup>. Дунё тажрибасидан маълумки, кўплаб йирик инвестиция лойиҳалари синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига муваффақиятли молиялаштирилган.

Ривожланаётган давлатларда тижорат банклар томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаси сифатида синдициялашган кредитлар бериш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур илмий тадқиқот ишларида инвестицион лойиҳаларда рискларни баҳолаш, синдициялаштирилган кредитлар асосида молиялаштириш амалиётини самарали ташкил қилиш ҳамда макродаражада барқарорликка эришиш, инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришда дастурий таъминотларни қўллаш каби масалалар эмпирик таҳлиллар орқали тадқиқ қилинмоқда.

Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг халқаро амалиётдаги самарали усулларида ҳисобланган синдициялаштирилган кредитлаш усулини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини кенгайтириш учун “халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур”<sup>3</sup>. Банкларнинг узоқ муддатли барқарор ресурсларига бўлган эҳтиёжининг юқорилиги, уларнинг халқаро молия институтлари ва иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар банклари билан ҳамкорлиги етарли даражада эмаслиги, тижорат банкларини синдицияли кредитлашда иштирок этиш учун жаҳон тажрибаси асосида фаолият механизмини ташкил қилувчи миллий меъёр ва талабларнинг халқаро андозаларга мос эмаслиги, тижорат банкларида рискларни бошқаришнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, синдициялаштирилган кредитлашни рағбатлантирувчи инфратузилманинг тўлиқ шакллантирилмаганлиги каби бир

<sup>1</sup>Mariassunta Giannetti, Yishay Yafeh Do Cultural Differences Between Contracting Parties Matter? Evidence from Syndicated Bank Loans // MANAGEMENT SCIENCE Vol. 58, No. 2, February 2012, pp. 365–383.

<sup>2</sup>Global Syndicated Loans Review. [www.refinitiv.com/dealsintelligence](http://www.refinitiv.com/dealsintelligence) сайти маълумотларидан олинди.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. - <http://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

қатор омиллар мамлакатда инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш масалари бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, етакчи хорижий иқтисодчи-олимлардан C.Pass, D.Lowes, A.Pendleton, L.Chadwick, Дж.Армстронг, Л.Дж.Гитман, М.Д.Джонк, М.В.Довгялло, А.Г.Грязнова, Я.Миркин, П.Самуэльсон, Б.Алёхин ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган<sup>4</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков, Н.Каримов, Ш.Абдуллаева, И.Бутиков, А.Ваҳобов, Ф.Додиев, Н.Жумаев, Н.Ҳайдаров, М.Ангелиди, В.Котов, А.Ли, Ф.Мирзаев, М.Хамидулин, Т.Ядгаров, Х.Акрамов, Н.Хусанов, Т.Бобоқулов, З.Умаровларнинг илмий ишларида инвестициялар ва уларнинг молиялаштириш масалаларининг маълум

---

<sup>4</sup>C. Pass, D. Lowes, A.Pendleton, L.Chadwick. Collins Dictionary of Business- Harper Collins Publishers, 3<sup>rd</sup> Edition, 2000.- P.430.; Armstrong J. The syndicated Loan Market: Dewelopments is in the North American Context.// Bank of Kanada Working Paper 2003-15, June 2003.; Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. «Основы инвестирования» / Пер.сангл.-М.:дело,1997. Мировой рынок синдицированных кредитов:современное состояние,структура и тенденции развития. Вестник Финансового университета 2016№4.; Довгялло М.В., Синдицированное кредитование, -М.: Фонд «Институт экономики города», 2000-с.6.; Финансово-кредитный энциклопедический словарь, под редакцией коллектива авторов под общей редакцией д.э.н. проф.А.Г.Грязновой, -М.: «Финансы и статистика», 2002, 886 с.; Миркин Я.М. «Ценные бумаги и фондовый рынок»-М.:Перспектива, 1995.;П.Самуэльсон «Экономика». Пер с англ. М.:1999., Алёхин Б.И. «Рынок ценных бумаг (введение в фондовые операции)». М.: «Финансы и Статистика», 1991.

жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>5</sup>. Жумладан, Н.Каримов «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари» мавзусидаги илмий монографиясида синдициялаштирилган кредитлашни инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бозор механизмлари сифатида тадқиқ этган. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмининг назарий ва амалий томонлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлари томонидан алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришнинг назарий ва ташкилий асосларини тадқиқ этиш асосида муаллифлик ёндашувини шакллантириш;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитларнинг аҳамиятини ва ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитлаш механизми ва унинг амалдаги ҳолати таҳлилинини амалга ошириш;

---

<sup>5</sup>Ғозибеков Д.Ғ. «Инвестицияларни молиялаштириш масалалари». Тошкент. «Молия»-2003., 330 б.; Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. Т.:Фан ва технология нашриёти, 2007 йил 137 бет.; Абдуллаева Ш.З. «Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш» докторлик диссертацияси автореферати, Т.: 2000.; Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. – Ташкент: Консатитинформ, 2008.; Додиев Ф.У. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: Дисс. автореферати. и.ф.н. – Тошкент, 1998. –21 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2008. –37 б.; Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2003. –29 б.; Ангелиди М.С. Газибеков Д.Ғ. «Оценка кредитоспособности предприятий в условиях рыночной экономики»-Т:1991. РЦНТИ.,48 с.; Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007. – 23 с.; Ли А.А. Международный опыт развития муниципальных ценных бумаг и его применение в условиях Узбекистана: автореферат дисс... к.э.н. – Ташкент, 2002. – 20 с.; Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар мисолида): Дисс. автореферати. и.ф.н. – Тошкент, 2002. – 22 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. –Т.: Молия, 2008. – 204 с.; Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007. – 23 с.; Ядгаров Т.Д. Депозитарная система рынка корпоративных ценных бумаг и ее интеграция в международный рынок капитала: автореферат дисс.к.э.н. – Ташкент, 2008. – 20 с.; Акромов Х.М. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига макроиқтисодий сиёсатнинг таъсири: Дисс. автореферати. и.ф.н. – Тошкент, 2010. – 22 б.; Хусанов Н.Ж. Развитие фондового рынка Республики Узбекистан на современном этапе // Материалы международной научно-практической конференции «Пятнадцатые международные Плехановские чтения». – М.: 2002. – С.116-118.; Бобоқулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т. 2008.; Умаров З.А. «Тижорат банкларида синдициялаштирилган кредитларни ҳисобга олиш» номли мақоласи. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №2, апрель, 2020 й.

синдициялаштирилган кредитлашнинг амалдаги ҳолатини таҳлили асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш;

синдициялаштирилган кредитлашнинг илғор хориж тажрибаларини тадқиқ этиш ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари бўйича хулоса ва таклифларни шакллантириш;

инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришда дастурий таъминотларни қўллаш истиқболларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда синдициялаштирилган кредитлаш амалиётидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича назарий хулосалар, илмий таҳлиллар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва синдициялаштирилган кредитлаш фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, индукция, дедукция, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик ва эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ташкilotчи банк ва иштирокчи банклар ўртасидаги ягона интеграциялашган коммуникация (маълумот алмашиши) тизими асосида синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш таклиф этилган

халқаро бозорда банклар нуфузини ошириш, келгусида халқаро синдициялаштирилган кредитлар бозорига киришни имкониятини кенгайтиришга хизмат қиладиган субъектлар ўртасидаги муносабатларни секьюритизациялашнинг тузилмавий модели таклиф этилган;

пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришда синдициялаштирилган кредитлаш механизмидан фойдаланиш бўйича миллий банклараро синдикат ташкил этиш орқали рискларни тақсимлаш ва кредитлар ҳажмини ошириш асосланган;

тижорат банкларининг синдикатда демократия, мутаносиб тақсимлаш ва кредиторнинг ҳуқуқини бериш тамойилларига амал қилиш асосида синдициялаштирилган кредитлаш жараёнини ташкил этиш ҳамда муаммоли кредитларнинг олдини олиш имконияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий изланишларини ўрганган ҳолда инвестицион лойиҳаларни синдикатлаштирилган кредитлар асосида молиялаштириш амалиёти асосланган;

синдициялаштирилган кредитларнинг иқтисодий таъсирини таҳлил қилиш тартиби ишлаб чиқилган;

тижорат банкларини синдициялашган кредитлар бериш маҳанизмини ташкил этиш ва шакллантиришни ривожлантиришнинг дастлабки босқичида давлатнинг бевосита иштирокини фаоллаштириш, йирик лойиҳаларни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикчилик тизимини қўллаш зарурлиги тақлиф этилган;

давлат синдицияли кредитлаш механизмида давлатнинг инвестицион дастурига киритилган йирик лойиҳалари учун график ва дастур асосида ишни ташкил этиши амалиёти асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларни расмий манбалардан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитасидан олинганлиги, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар, тижорат банклари, мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг эксперт баҳолари ва илмий натижаларидан фойдаланилганлиги, шу билан бирга тегишли хулоса ва тақлифларнинг тижорат банклари томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган тақлифлардан Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини синдицияли кредитлар ҳисобига молиялаштириш амалиётида, шунингдек, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чоратadbирларнинг ижросида мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ташкilotчи банк ва иштирокчи банklar ўртасидаги ягона интеграциялашган коммуникация (маълумот алмашиши) тизими асосида синдициялаштирилган кредитлаш бўйича тақлифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Ахборот технологиялари Департаментининг фаолият йўналишларини белгилашда фойдаланилган (АТБ «Агробанк»нинг 2020 йил 13 февралдаги 18-01-19/42-сон маълумотномаси). Ушбу тақлифнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда синдициялаштирилган кредитлаш бозорининг ривожланишига замин яратган;

халқаро бозорда банklar нуфузини ошириш, келгусида халқаро синдициялаштирилган кредитлар бозорига кириш имкониятини кенгайтиришга хизмат қиладиган субъектлар ўртасидаги муносабатларни секьюритизациялашнинг тузилмавий модели бўйича тақлифи АТИБ «Iproteka-

bank»нинг кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТИБ «Ipoteka-bank»нинг 2020 йил 25 сентябрдаги 08/6533-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга ошиши натижасида тижорат банкларининг ресурс тақчиллиги муаммосини бартараф этиш, халқаро бозорга банкларни танитиш, транспарентлик, яъни шаффофликни таъминлаш ва келгусида халқаро синдициялаштирилган кредитлар бозорига кириш имкониятини кенгайтиришга эришилган;

пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришда синдициялаштирилган кредитлаш механизмидан фойдаланиш бўйича миллий банклараро синдикат ташкил этиш орқали рискларни тақсимлаш ва кредитлар ҳажмини ошириш бўйича таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармасининг фаолият йўналишларини белгилашда фойдаланилган (АТБ «Агробанк»нинг 2020 йил 13 февралдаги 18-01-19/42-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши мамлакат иқтисодиётида кластерларни ривожлантириш ва улар фаолиятида синдикатлаштирилган кредитлар асосида молиялаштиришни самарали ташкил қилишга хизмат қилган;

тижорат банкларининг синдикатда демократия, мутаносиб тақсимлаш ва кредиторнинг ҳуқуқини бериш тамойилларига амал қилиш асосида синдициялаштирилган кредитлаш жараёнини ташкил этиш бўйича таклифи АТБ «Агробанк» бошқарувининг 30 декабрь 2019 йилдаги 140/3-сон қарори билан тасдиқланган кредит сиёсатига киритилган (АТБ «Агробанк»нинг 2020 йил 13 февралдаги 18-01-19/42-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши инвестицион лойиҳаларни синдикатлаштирилган кредитлар асосида молиялаштиришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс этирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ҳамда тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида синдициялаштирилган кредитлар юзасидан илмий-назарий қарашлар, инвестицион лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришда вужудга келадиган рискларни бошқариш асослари, инвестицион лойиҳаларни синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган ҳамда тегишли назарий хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодий тараққиёт ресурсларнинг чекланган ва эҳтиёжларнинг ошиб бориши шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишига бевосита боғлиқ. Истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги асосий жиҳатлардан бўлиб, молиялаштириш манбаси, таркиби, лойиҳани иштирокчилари таркиби ва бошқалар ҳисобланади.

Маълум бир лойиҳани молиялаштиришда битта иштирокчи ёки банкнинг имкониятлари етмайди. Бундай шароитда йирик лойиҳалар асосан синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштирилади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш амалиётида синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш келгусида лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади ҳамда маълум рискларни тақсимлаш имконини беради.

Амалиётда қарз олувчининг кредитга бўлган эҳтиёжи банк учун белгиланган лимитлардан ошиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда бир неча банклар ўз маблағларини қўшиб (синдикат ҳосил қилиб) миждозларга синдициялаштирилган кредитлар беради. Бу кредитни бошқа кредитлардан ажратиб турувчи жиҳати бунда бир нечта кредит берувчи бўлади ва шунга мувофиқ кредит rischi ҳамда суммаси ҳам бир нечта иштирокчи банкларга бўлинади. Банк синдикатида ҳар доим етакчи ўрин тутувчи - ташкил этувчи банк мавжуд бўлади. Етакчи банк иштирокчи банкларни жалб қилиш ҳамда синдициялаштирилган кредитларни бериш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни ўз зиммасига олади. Бу жараёнларга эса қарз олувчи ҳақида ахборот тайёрлаш, банкларни банк синдикатида иштирок этишга жалб қилиш ҳамда улар билан музокаралар олиб бориш кабилар киради.

Синдициялаштирилган кредитларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш мақсадида, мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан бу борадаги тадқиқотларни айримларига тўхталиб ўтамиз.

Синдициялаштирилган кредитлар бўйича назарий қарашлар<sup>4</sup>

Муаллифлар	Синдикатлаштирилган кредитлар бўйича назарий қарашлар
Д.Ғ.Ғозибеков <sup>5</sup>	синдициялаштирилган кредитлашни лойиҳавий молиялаштириш дея талқин этади ва уни инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизми сифатида эътироф этади
Н.Ғ.Каримов <sup>6</sup>	синдициялаштирилган кредитларни бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш ва бунда йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси учун ажратиладиган кредитлар
А.Ғ. Грязнова <sup>7</sup>	бу битта қарздорга икки ёки ундан кўпроқ банклар томонидан бериладиган кредитлардир
М.В. Довгялло <sup>8</sup>	кредитнинг шундай тури бўлиб, кредит битимида иккидан кам бўлмаган банклар иштирок этиши ва улар синдициялаштирилган кредитлашнинг барча аъзоларига тегишли бўлган умум ҳужжатлар асосида кредитнинг ўзларидан сўралган қисмини молиялаштириши, кредитни ўзини эса махсус агент томонидан бошқарилади
С. Pass, D. Lowes, A. Pendleton, L. Chadwick <sup>9</sup>	кредитнинг шундай шаклики, қачонки икки ёки ундан кўп банклар (банклар синдикати) томонидан қарздор билан мақсадлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлик, қайтаришлилик ҳамда ҳужжатларда келишилган шартлар асосида кредитлаш шартномасини тузади
Дж.Армстронг <sup>10</sup>	Бу кредитлашнинг шундай инструментиники, яъни молия бозорининг иштирокчиларига кредит рискларини тўғри прогноз қилиш имкониятини беради

Тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда, бизнингча синдициялашган кредит - бу махсус банк маҳсулоти бўлиб, икки ва ундан ортиқ банклар томонидан қарздорга йирик ҳажмда ва узоқ муддатга пул маблағларини қарзга бериш орқали ўзларининг кредит портфелларини диверсификациялаш ва кредит рискларини самарали бошқариш имкониятини берувчи кредит шаклидир.

Синдициялаштирилган кредитнинг бошқа кредитлардан фарқли жиҳати савдо кредитлари, лойиҳавий молиялаш, оддий кредитлар (умумий эҳтиёж учун), лизинг, кредит линиялари ва аккредитивлар ҳам синдикатланиши мумкин. Бу тартибдаги кредитлашда оддий кредитлашдан фарқли ўлароқ бир нечта кредитор иштирок этади ҳамда ушбу кредитлаш тури орқали қарз олувчилар ўзлари учун жуда муҳим бўлган йирик миқдордаги кредитларни олишга муваффақ бўлишади. Эслатиб ўтиш жоизки, ҳеч қайси банк алоҳида ушбу суммада ва рискда кредит беришни хоҳламаслигидан ташқари, имконияти ҳам етмаслиги мумкин.

Бошқа кредитлар сингари синдициялаштирилган кредитлар ҳам таъминланган ва таъминланмаган бўлади. Биринчидан, қарз олувчи ликвидли гаров объектлари ёки ҳукумат кафолатларидан гаров сифатида фойдаланиши мумкин. Бунга яна нуфузли йирик компаниялар кафолати ёки гаров

<sup>4</sup> Бошқа муаллифлар маълумотларини умумлаштирган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

<sup>5</sup> Д.Ғ.Ғозибеков Инвестицияларни молиялаштириш масалалари .-Т:Молия нашриёти,2003 йил 332 бет

<sup>6</sup> Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари.Т.:Фан ва технология нашриёти, 2007 йил 137 бет.

<sup>7</sup> Финансово-кредитный энциклопедический словарь, под редакцией коллектива авторов под общей редакцией д.э.н. проф.А.Ғ.Грязновой, М.: «Финансы и статистика»,2002, 886 с.

<sup>8</sup> Довгялло М.В., Синдицированное кредитование, -М.: Фонд «Институт экономики города», 2000-с.6.


<sup>9</sup> С. Pass, D. Lowes, A.Pendleton, L.Chadwick. Collins Dictionary of Business- Harper Collins Publishers, 3<sup>rd</sup> Edition, 2000.- P.430

<sup>10</sup> Armstrong J. The syndicated Loan Market: Dewelopments is in the North American Context.// Bank of Kanada Working Paper 2003-15, June 2003.

объектларини ҳам мисол қилишимиз мумкин. Таъминланган кредит ҳажми кредит олувчининг устав капитали ёки айланма маблағларидан ошиб кетиши мумкин, лекин кредит rischi бунга боғлиқ эмас, чунки бу ерда таъминланганлик сифатида гаров объекти ёки кафолат қаралади. Таъминланмаган синдициялаштирилган кредит эса, таъминланган синдициялаштирилган кредитдан бутунлай фарқ қилади. Бунда кредит rischi тўғридан-тўғри қарз олувчининг фаолиятига боғлиқ бўлади. Бу тартибдаги кредитлар фақатгина юқори рейтингга эга бўлган компанияларгагина берилади, холос. Кредит беришда алоҳида иштирокчи банк умумий суммада арзимас улушга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, ушбу иштирокчи банк учун риск унчалик юқори бўлмайди.

Синдициялаштирилиши мумкин бўлган кредитларга лойиҳавий молиялаштириш ҳам киради. Лойиҳавий молиялаштиришда кредитни қайтаришнинг манбаи бўлиб, лойиҳани амалга ошириш натижасида инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли молиялаштиришда кўпчилик лойиҳани молиялаштиришнинг синдикат кредитлари шаклига зарурат сезмоқда. Бунда кредит битими шартларини ташаббускор банк ўрнатади ва у бошқа банкларни бу лойиҳани молиялаштиришда иштирок этишни таклиф этади.

Ўзбекистонда синдициялаштирилган кредит riskини бошқаришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон учун Осиё синдикатлар бозори ва МДХ давлатлари ҳамда банк тизими жиҳатдан яқин бўлган бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Осиё синдициялаштирилган кредит бозорини ўрганиш йирик етакчи банклар, яъни синдициялаштирилган кредитлар ташкил қилувчи банклар билан алоқалар ўрнатиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлар беришда иштирок этиш республикада ушбу кредитни ривожлантиришга замин яратади.



**1-расм. Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишда юзага келадиган рисклар<sup>11</sup>**

<sup>11</sup>Муаллиф томонидан тузилган

Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишда турли хил рискларга, жумладан, кредитлаш амалиётида ва кредитлаш жараёнида дуч келинадиган рискларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Синдициялаштирилган кредитлашни ташкил этишда рискларни бошқаришнинг энг мураккаб ва қулай усуллари ташкилотчи банк қўллаш олиш имкониятига эга бўлиши керак. Чунки, синдикат битимини тўлиқ самарали амалга ошириш ташкилотчи банкка юклатилади. Бошқа иштирокчилар эса ўзларининг риск тизими ва уни бошқариш усулларига эга бўлади.

Бугунги кунда синдициялаштирилган кредитлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базадаги муаммолар халқаро синдициялаштирилган бозордан кредитларни жалб этишни суи даражада бўлишига сабабчи бўлган муҳим омиллардан биридир. Ўзбекистонда бугунги кунгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартибини белгилаб беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитлаш механизмидан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили»** дея номланиб, унда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитлаш механизми, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан синдициялаштирилган кредитлаш амалиёти таҳлили, инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришдаги мавжуд муаммолар тадқиқ этилган. Боб якунида амалдаги ҳолат ва муаммоли жиҳатлар асосида хулосалар келтирилган.

Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни синдициялаштирилган кредитлар эвазига молиялаштиришнинг амалдаги мавжуд механизмига кўра мамлакатимизда синдикатли кредитлашда йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси учун руҳсат берилган ва аниқ етакчи ёки ташкилотчи банк бўлиши белгиланган, унга кўра етакчи банк - синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатувчи банк тушунилади.

Синдициялаштирилган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади. Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредит бериш муддати йирик инвестиция лойиҳаларини қопланиш муддатига боғлиқ ҳолда кредит шартномасида белгиланади. Синдициялаштирилган кредитдан фойдаланганлик учун фоиз

ставкаси синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув шартларига кўра қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида белгиланади.

Синдициялаштирилган кредитни беришда хорижий банклар ва бошқа хорижий молиявий институтлар жалб этилади. Бу ҳолда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш хорижий банклар ва молиявий институтлар билан тузилган битимларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иштирокчи банклар билан музокаралар бошлангунга қадар етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланган тартибда кредит пакети таҳлили асосида барча кредит хужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган инвестиция лойиҳасини биргаликда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунида синдициялаштирилган кредитлар бўйича, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар), қимматли қоғозлар (иштирокчи банклар эмитент бўлган қимматли қоғозлардан ташқари) ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Бунда гаров шартномаси бир томондан қарз олувчи ва иккинчи томондан иштирокчи банклар томонидан имзоланадиган шаклда тузилади<sup>12</sup>. Синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, у томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади.

Синдициялаштирилган кредитлар ҳажмининг жами кредитлардаги улуши жуда ҳам паст бўлиб, асосан устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик тижорат банкларнинг хорижий банклар билан ҳамкорликда синдикат ташкил этиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилган. Бундай ҳолатда хорижий кредитлар асосан ҳукумат кафолати асосида жалб этилганлигини кўришимиз мумкин.

Синдициялаштирилган кредитлар объекти юқорида таъкидлаганимиздек, аниқ олинган йирик инвестицион лойиҳалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу кредитларни инвестицион кредитлар гуруҳига киритишимиз мумкин. Синдициялаштирилган кредитлашда тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳиятининг юқори бўлиши муҳимдир (2- жадвал).

Юқорида келтириб ўтилган 2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил қилинаётган 2016-2019 йиллар оралиғида ҳудудлар кесимида молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркибида корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари кўрсаткичи камайиш тенденциясига эга бўлиб, сўнгги йилларда жалб қилинган маблағлар ўсиш тенденциясига эга.

---

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент ш., 1998 йил 1 май, 614-И-сон

## 2- жадвал

Худудлар кесимида молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркиби<sup>13</sup>

№	Худудлар	Корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар	улардан:			Корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар	улардан:			Корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар	улардан:			Корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар	улардан:		
				давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари
	Ўзбекистон Республикаси	54,4	45,6	4,3	10,8	20,7	47,3	52,7	4,8	12,6	23,8	42,0	58,0	4,5	17,8	24,3	29,3	70,7	7,6	13,1	45,7
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	35,2	64,8	2,5	6,1	44,6	62,8	37,2	7,4	12,2	10,0	37,9	62,1	3,0	14,1	23,7	38,0	62,0	13,9	5,7	38,1
	вилоятлар:																				
2.	Андижон	67,6	32,4	3,2	17,4	4,9	65,6	34,4	4,0	18,1	7,2	47,8	52,2	4,1	25,7	14,8	39,1	60,9	8,4	16,1	35,2
3.	Бухоро	39,5	60,5	1,1	4,1	52,4	20,6	79,4	0,9	3,8	71,0	35,5	64,5	2,4	13,9	44,0	25,4	74,6	7,6	12,7	52,9
4.	Жиззах	62,9	37,1	4,3	16,6	7,3	55,4	44,6	6,7	18,6	10,8	44,3	55,7	9,4	26,8	8,7	24,5	75,5	11,0	15,2	47,0
5.	Қашқадарё	53,5	46,5	1,4	4,3	27,5	39,1	60,9	1,5	5,6	18,0	33,6	66,4	1,9	6,3	51,1	21,5	78,5	3,5	3,3	71,0
6.	Навоий	50,0	50,0	4,9	6,3	5,1	46,5	53,5	5,1	10,9	24,2	37,1	62,9	0,7	6,0	34,0	15,4	84,6	2,4	25,8	38,9
7.	Наманган	50,9	49,1	2,5	17,3	22,6	49,9	50,1	3,6	11,6	31,6	29,7	70,3	2,8	15,7	33,5	36,0	64,0	4,7	11,7	43,6
8.	Самарқанд	76,3	23,7	4,5	9,9	2,2	68,4	31,6	5,5	18,6	2,8	57,5	42,5	2,7	27,1	4,7	35,3	64,7	12,0	22,3	28,6
9.	Сурхондарё	58,7	41,3	7,8	14,2	9,8	50,0	50,0	7,1	14,3	11,5	34,9	65,1	3,2	28,9	21,4	19,1	80,9	5,4	12,6	61,8
10.	Сирдарё	41,2	58,8	22,9	17,8	7,7	38,7	61,3	18,7	30,2	4,6	34,9	65,1	9,6	36,1	9,6	21,9	78,1	9,8	20,0	46,5
11.	Тошкент	58,6	41,4	5,1	18,5	13,7	51,4	48,6	4,3	21,3	12,0	51,0	49,0	3,4	20,7	9,6	34,0	66,0	13,3	10,5	33,0
12.	Фарғона	61,8	38,2	10,3	13,2	8,9	67,9	32,1	8,2	14,7	5,8	46,1	53,9	3,6	22,9	19,4	36,5	63,5	7,2	16,6	38,6
13.	Хоразм	70,5	29,5	4,9	13,1	5,8	64,5	35,5	6,9	13,3	6,8	49,1	50,9	5,0	25,0	8,5	31,6	68,4	8,7	12,0	42,2
14.	Тошкент ш.	56,1	43,9	4,4	13,0	16,4	52,8	47,2	7,2	16,2	18,1	49,7	50,3	6,0	20,3	15,1	34,8	65,2	6,7	11,8	43,3

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари асосида тузилди

Жалб қилинган маблағлар ҳисобида чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажмининг ортиши ижобий ҳолатдир. Тижорат банклари жами кредит қўйилмаларининг асосий қисми, яъни 88,2 фоизи давлат улушига эга тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган бўлиб, бунда чет эл валютасидаги кредит қўйилмаларининг деярли барчаси (95,2 фоизи) давлат улушига эга тижорат банклари томонидан молиялаштирилган.

3-жадвал

Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари (фоизда)<sup>14</sup>

Банк турлари	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	Жами кредитлар	Хорижий валютадаги кредитлар						
Давлат улушига эга банклар	84,2	94,7	88,4	94,3	88,9	94,4	88,2	95,2
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	15,8	5,3	11,6	5,7	11,1	5,6	11,8	4,8

2017 йил давомида миллий валюта сиёсатининг либераллаштирилиши ҳисобига жами кредит қўйилмалари таркибида чет эл валютасида ажратилган кредитлар улуши 42,8 фоиздан 62,3 фоизгача ошиши кузатилди. Мазкур кўрсаткич Россия Федерацияси (24,2 фоиз), Қозоғистон (26,3 фоиз), Украина (47,2 фоиз), Беларусь (51 фоиз)<sup>15</sup> ва бошқа айрим МДҲ давлатларидаги кўрсаткичлардан анча юқори бўлиб, республика банк тизимида чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг қайтарилиши билан боғлиқ валюта хатарининг диверсификация қилиш масаласининг долзарблигини оширади.

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши натижасида тижорат банклари кредит портфелининг хорижий валютадаги қисми бўйича вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибатлари таҳлили ушбу кредитлар бўйича рисклар банкларнинг валюта маблағларини шакллантириш манбаларига боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда асосий эътибор, давлат инвестиция дастурлари, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз муддатида тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилган.

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида ҳисобланди

<sup>15</sup><http://www.bis.org/statistics/secstats.htm> сайти маълумотлари

Тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар<sup>16</sup>

Кўрсаткич	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2018 йил 2017 йилга нисбатан ўсиш (млрд. сўм)		2019 йил 2018 йилга нисбатан ўсиш (млрд. сўм)	
Берилган инвестицион кредитлар, млрд сўмда	10100	12200	16085	38747	88300	+22662	2,4 баробар	+49553	2,41 баробар

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги беш йилда инвестицион кредитларнинг ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, инвестицион кредитларнинг ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга, 2019 йил 1 январда эса 2018 йилга нисбатан 2,41 баробарга ўсган.

Банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда асосий эътибор, давлат инвестиция дастурлари, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз муддатида тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилган. Лекин, сўнгги уч йилда ушбу эришилган натижалар билан бир вақтда биронта ҳам инвестиция лойиҳалари тижорат банклари томонидан синдикат ташкил этиш орқали молиялаштирилмаган. 2018 йилга келиб «Ипак йўли» АТИБ Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан 20 млн АҚШ доллари ҳажмида синдициялаштирилган кредитларни жалб этиш бўйича ўзаро келишувга эришилган<sup>17</sup>.

Синдициялашган кредитлар бозори бугунги кунда Ўзбекистон учун ўта долзарб ва зарурдир. Лекин, мамлакатимизда бу кредитдан фойдаланиш даражаси ўта паст бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, бу бир қатор муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Иқтисодиётга жалб этилган мавжуд синдициялаштирилган кредитларни таҳлил қилар эканмиз, бу кредитларда мамлакатнинг жуда кам турдаги банклари иштирок этганлигини гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизда кредитлашнинг бу турига маҳаллий банкларимиз сўнгги 15-20 йил давомида иштирок этишни бошлаган. 1998 йилдан бошлаб республика ҳукумати хорижий инвестицияларни, шу жумладан синдикациялашган кредитларни жалб этишда фаол иштирок эта бошлаган.

Дастлаб Шўртан газ кимё компаниясини қуришга умумий суммаси 611,94 млн. АҚШ доллари бўлган синдициялашган кредитлар жалб этилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш мақсадида халқаро молия институтларининг, хусусан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Япониянинг Эксимбанкнинг умумий суммаси 178,32 млн. АҚШ доллари бўлган синдициялашган кредитлари жалб этилди.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

<sup>17</sup> <https://ipakyulibank.uz/> сайти маълумотлари

Тошкент шахрининг Бектемир туманида «Coca-Cola» савдо маркаси билан алкогольсиз ичимлик ишлаб чиқариш бўйича заводни куриш учун «Coca-Cola» Америка корпорацияси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг синдициялаштирилган кредитларини жалб этиш ҳисобига амалга оширилди. Ушбу кредитлар ТИФ «Миллий банк», АТ «Асака банк», АТ «Халқбанки» ва АТ «Саноатқурилишбанк»лари орқали амалга оширилган бўлиб, уларнинг синдициялаштирилган кредитлар улуши жуда кам фоизни ташкил этган. Ушбу банкларнинг кредит портфелида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Электр тармоқ қурилиши» каби йирик корхоналарнинг қарз маблағлари мавжудлигини кузатишимиз мумкин.

### 5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан 2008-2019 йиллар давомида етакчи банк сифатида ажратилган синдициялаштирилган кредитлар тўғрисида маълумот<sup>18</sup>

Банк номи	Синдициялаштирилган кредит ажратилган йил	Синдициялаштирилган кредит битимнинг суммаси	Синдициялаштирилган кредит бўйича етакчи банк		Синдициялаштирилган кредит бўйича иштирок этувчи тижорат банки	
			банк номи	кредит суммаси	банк номи	кредит суммаси
Ипак йўли банки	2008 йил	4 000,0 млн. сўм	Ипак йўли	1 800,0 млн. сўм	Трастбанк	2 200,0 млн. сўм
	2008 йил	4 695,0 млн. сўм	Ипак йўли	3 700,0 млн. сўм	Трастбанк	995,8 млн. сўм
Асакабанк	2010 йил	126,9 млн. АҚШ долл.	Асака	115,9 млн. АҚШ долл.	ЎзСҚБ	6,0 млн. АҚШ долл.
					Ипотека-банк	5,0 млн. АҚШ долл.
	2010 йил	30,0 млн. АҚШ долл.	Асака	20,0 млн. АҚШ долл.	Миллий банк	10,0 млн. АҚШ долл.
Ипотека банк	2017 йил	11,5 млн. АҚШ долл.	Ипотека банк	5,0 млн. АҚШ долл.	Миллий банк	6,5 млн. АҚШ долл.
Асакабанк	2018 йил	70,9 млн евро	Асака	40,8 млн евро	ЎзСҚБ	30,1 млн евро
Асакабанк	2019 йил	58 млн евро	Асака	30 млн евро	ЎзСҚБ	28 млн евро
Қишлоққурилишбанк	2019 йил	16 млн евро ва 3,5 млн АҚШ долл.	Қишлоққурилишбанк	16 млн евро ва 3,5 млн АҚШ долл.	-	-

Ўзбекистонда 2008-2019 йиллар давомида етакчи банклар томонидан ажратилган синдициялаштирилган кредитлар сони саккизтани ташкил қилади. Мазкур банклар орасида АИТБ «Ипак йўли», АТБ «Асакабанк» ва АТИБ «Ипотекабанк», АТБ «Қишлоққурилишбанк»лар иштирок этган. Бирок, бизнингча мазкур банкларнинг синдикатлаштирилган кредитлардаги фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди.

Бугунги кунда республикамизда тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни синдициялашган кредитлар

<sup>18</sup>Умаров З.А. Тижорат банкларида синдициялаштирилган кредитларни ҳисобга олиш. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №2, апрель, 2020 йил

орқали амалга ошириш жуда ҳам заиф бўлиб, унинг механизмини ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Шу билан бирга, инвестицион лойиҳаларни синдициялашган кредитлар ҳисобига молиялаштиришда риск менежментини яхшилаш ҳамда тижорат банкларининг ресурс салоҳиятини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2017 йилда асосий капитал шаклланишининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши (gross capital formation, % of GDP) кўрсаткичи паст ва ўрта даромадли мамлакатларда ўртача 30,9 фоизни, алоҳида мамлакатлар бўйича эса Хитойда 43,6 фоиз, Индонезияда 33,4 фоиз, Корея Республикасида 31 фоиз, Туркияда 30,9 фоиз, Ҳиндистонда 30,7 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 24,9 фоизга етган. Бу эса мамлакатлар билан таққослаганда юртимизга ўз иқтисодий кўлами ва ҳажмига муносиб бўла оладиган етарлича инвестиция ресурслари кирмаётганини кўрсатади. Жаҳон банки тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф оқимларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (FDI net inflows, % of GDP) кўрсаткичини ҳам эъло қилиб боради. Ушбу кўрсаткич 2017 йилда Европа ва Осиёда ўртача 3,4 фоизни, алоҳида мамлакатлар мисолида Сингапурда 19,6 фоиз, Ирландияда 15,4 фоиз, Албанияда 7,9 фоиз, Озарбайжонда 7 фоиз, Чехияда 4,3 фоизни, Қозоғистонда 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, мамлакатимизда 0,1 фоиз экани маълум қилинган. Ушбу ҳолат мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш эҳтиёжининг катталигидан далолат бермоқда. ЯИМнинг ўсиши банк активларининг салмоғини ўсиб боришига ҳам бевосита боғлиқ. Йирик лойиҳаларни молиялаштиришда кредит қўйилмаларнинг салмоғини ошириш, айниқса инвестицион кредитларни ҳажмини ошириш мамлакатимизда янги ишлаб чиқариш кучларини барпо этишга ва мамлакат ЯИМини оширишга ва иқтисодий тараққиётга эришишга олиб келади.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Ушбу ишларни амалга оширишда халқаро синдициялаштирилган бозорга чиқиш ва хорижий банклар билан синдикат ташкил этиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни йўлга қўйиш масаласи долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмини такомиллаштириш»** дея номланиб, унда синдициялаштирилган кредитларнинг илғор хориж тажрибалари ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришда рақамли платформалардан фойдаланиш истикболлари, инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришни такомиллаштириш каби тадқиқот мавзуси доирасида изланишлар олиб борилган.

Халқаро тажрибадан маълумки, синдицияланган кредитлар бирламчи бозори иштирокчилари кўпинча тижорат банклари ҳисобланади. Улар ҳам ташкилотчи ҳам, молиявий ресурсларни тақдим этувчи иштирокчи-кредитор функцияларни бажаради.

Синдицияланган кредитлар иккиламчи бозорида ҳолат бир оз бошқача: синдицияланган кредитдаги улушини қайта сотиш чоғида банклар ўрнини бошқа молиявий муассасалар эгаллайди. Иккиламчи бозорда тижорат банклари ва нобанк тижорат ташкилотлар йўқ, бу ерда инвестицион банклар фаолият кўрсатиб, улар 1990 йилларда синдицияланган кредитларни тиклашдан максимал фойда олган. 2000 йиллар бошида синдицияланган кредитлар иккиламчи бозорида инвестицион банклардан ташқари International Finance Corporation ёки Inter-American Development Bank каби кўп қиррали агентликлар ҳам фаол иштирок этиб, уларнинг иштироки кредит хатарини хусусий ва давлат сектордаги инвесторлар ўртасида тақсимлашга имкон беради.

Синдицияланган кредитларда улушларнинг аксарият қисми иккиламчи бозорда муомалада бўлади. Loan Market Association (LMA) ва Loan Syndications and Trading Association (LSTA) - синдицияланган кредитлар иккиламчи бозорининг фаолиятини тартибга солишга мўлжалланган махсус ташкил этилган бирлашмалар ҳисобланади.

Иккиламчи бозорнинг ривожланиши бир кредитордан иккинчи кредитор зиммасига кредит рискинни юклаш имкониятини берувчи «кўчира оладиган» кредитларнинг улуши сифатида баҳолаш мумкин.

